4.2.4.

"Autosanoat agro lizing" МЧЖ ходимларини 2024 йилнинг III чораги давомида жамиятнинг ички ҳужжатлари бўйича ўқитиш

ЖАДВАЛИ

№	Жамият тизимлари номи	Ўқиш (тренинг) мавзуси	Ўқиш (тренинг) учун масъуллар	Ўқиш (тренинг) даври			Ўқиш (тренинг) жойи	Тингловчилар сони
				Сана	Бошланиши	Тугалланиши		
1	Тошкент шаҳридаги идора ва ҳудудий филиаллар ходимлари	Ишга қабул қилинаётган номзодларни комплекс текшириш бўйича йўриқнома	С.Атаматова У.Султанбоев	26.07.2024	10.00	12.00	Тошкент шаҳридаги идора ZOOM орқали	35
2	Тошкент шаҳридаги идора ва ҳудудий филиаллар ходимлари	Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти	С.Атаматова У.Султанбоев	28.08.2024	10.00	12.00	Тошкент шаҳридаги идора ZOOM орқали	35
3	Тошкент шаҳридаги идора ва ҳудудий филиаллар ходимлари	Хизмат текширувларини ўтказиш процедураси	С.Атаматова У.Султанбоев	23.09.2024	10.00	12.00	Тошкент шаҳридаги идора ZOOM орқали	35

Ходимлар ва иш юритиш бўйича бош мутахассис **С.Атаматова**

Комплаенс хизмаьти бўйича бош мутахассис **У.Султанбоев**

4.2.4.

“Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Ишга қабул қилинаётган номзодларни комплекс текшириш бўйича йўриқнома”, “Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти” ҳамда “Хизмат текширувларини ўтказиш процедураси” бўйича ўтказилган семинар тренинг

Б А Ё Н Н О М А С И

2024 йил 27 сентябрь **Тошкент шаҳри**

“Autosanoat agro lizing” масъулияти чекланган жамиятнинг комплаенс хизмати мутахассиси, ходимлар ва иш юритиш бўйича бош мутахассис ҳамда юридик бўлим бошлиғи томонидан, 2024 йилнинг 26 июль, 28 август ва 23 сентябрь кунларида, жамиятда қабул қилинган “Ишга қабул қилинаётган номзодларни комплекс текшириш бўйича йўриқнома”, “Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти” ҳамда “Хизмат текширувларини ўтказиш процедураси” мавзусида ZOOM орқали семинар тренинг ўтказилди.

Иштирокчилар: “Autosanoat agro lizing” МЧЖ
Комплаенс хизмати бўйича бош мутахассис У.Султанбоев;
Ходимлар ва иш юритиш бўйича бош мутахассис С.Атаматова;
Юридик бўлим бошлиғи Ш.Ражабов.

Таклиф этилганлар: “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг барча (Тошкент шахридаги бош офис ҳамда вилоятлардаги минтақавий филиаллар) ходимлари.

1. “Autosanoat agro lizing” МЧЖнинг “Ишга қабул қилинаётган номзодларни комплекс текшириш бўйича йўриқнома”си.

Ушбу мавзу бўйича семинар тренингни Ходимлар ва иш юритиш бўйича бош мутахассис С.Атаматова олиб борди. Семинар тренингда мазкур йўриқнома бўйича қуйидагилар билан таништирилди.

Мазкур Йўриқнома, жамиятга ишга қабул қилишда номзодлар текширувини ўтказишнинг тамойиллари, талаблари, тартиби ва муддатларини белгиловчи ички ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

коррупциявий харакатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

манфаатлар тўқнашуви – Жамият ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, Жамиятларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

номзод – Жамиятнинг бўш иш ўрни талабларига жавоб берувчи, вакант иш жойига танлаб олинган жисмоний шахс.

ноқонуний фойда – ваъда қилинадиган, таклиф этиладиган, тақдим этиладиган ёки қонуний асоссиз олинадиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк, ёки мулкий ҳуқуқлар,

афзалликлар, имтиёзлар, хизматлар, номоддий активлар, бошқа ҳар қандай моддий ёки номоддий фойда;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

яқин қариндошлар – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари.

- **Жамиятга ишга қабул қилинаётган номзодларни текширишга қўйилган умумий талаблар ва уларнинг муддатлари;**

Бунда, текширув коррупцион хавфни таҳлил қилишда аниқланган хавф даражаси пастдан юқори бўлган доимий ва муддатли лавозимларга номзодлар, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича қабул қилинган номзодларга нисбатан меҳнат шартномаси тузилмасидан олдин амалга оширилади.

Номзодни текшириш 2 (икки) иш кунигача бўлган муддатда, агарда холис сабабларга кўра текшириш имконсиз бўлса, унинг давомийлиги 5 (беш) иш кунигача бўлган муддатга чўзилиши мумкин.

- **Текшириш учун ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;**

Текширишни амалга ошириш учун номзодлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 124-моддасига мувофиқ ишга қабул қилинаётганда талаб этиладиган ҳужжатлар нусхалари ва жамиятдаги манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички идоравий ҳужжатга мувофиқ шаклда тўлдирилган ва имзоланган декларация нусхаси тақдим этилади.

Ижрочи номзоддан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тушунтириш ва қўшимчаларни сўраб олишга ҳақли.

- **Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш учун ахборот манбалари;**

Ишга жойлашаётган номзодни текшириш доирасида номзоддан олинган маълумотлар, шунингдек очиқ манбалардан ёки расмий сўровлар юбориш орқали олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва ишлаш амалга оширилади.

Номзодни текшириш учун ахборот манбалари қонунийлик ва холислик талабларига жавоб бериши лозим. Ижрочи бошқа давлат органлари ва Жамиятларига, номзоднинг аввалги иш жойлари, ўқув муассасалари ва ҳ.к ларга тақдим этилган маълумотларни текшириш учун расмий сўров юбориш мумкин.

Ижрочи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига сўров юбориш орқали номзоднинг судланганлиги, фирибгарлик, коррупция ва зўравонлик билан боғлиқ ишларга алоқадорлигини текшириши мумкин.

Шунингдек, қуйидаги очиқ ахборот манбаларидан фойдаланиш мумкин:

Давлат хизматлари агентлигининг юридик шахслар ва якка тадбиркорлар маълумотларини текшириш бўйича платформаси - https://fo.birdarcha.uz

Корхона ва Жамиятларнинг ягона давлат реестри (КТЯДР) - https://stat.uz/ru/uslugi-1/svedeniya-iz-egrpo

Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали - https://my.soliq.uz

Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлари портали - https://data.gov.uz/ru

Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси - http:// kadastr.uz/ru/

Ижро ҳужжатлари бўйича қарздорларнинг маълумотлар базаси - https://mib.uz
Ахборот қидирув ва махсус тизимлар ва ҳ.к.



- **Номзодлар текширувини ўтказиш йўналишлари;**

Номзодда тугатилмаган судланганлик ҳолати ва (ёки) иқтисодий, жумладан коррупциявий характердаги қонунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги;

Суд органлари томонидан қўйилган раҳбарлик лавозимларини эгаллашга тақиқ йўқлиги – раҳбарлик лавозимига номзод учун;

номзод ёки унинг яқин қариндошлари тўғрисида уларнинг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга хилоф фаолиятига доир маълумотлар йўқлиги;

аввалги иш жойларидан салбий тавсияномалар йўқлиги;

номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўқлиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида намойиш этилган ҳаёт тарзи расмий иш ҳақига мос келмайди ва бошқалар).

- **Номзодларни текшириш натижаларини расмийлаштириш;**

Номзодни текширувини ўтказиш натижалари бўйича Ижрочи томонидан Номзод текширилгани тўғрисида белгиланган шаклда ҳисобот тузилади ва ушбу ҳисобот Ходимлар ва иш юритиш бош мутахассисида сақланади ҳамда текширув натижаларига оид маълумотлар "Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри" га киритилади.

Коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд бўлган тақдирда текширув ўтказаётган шахс уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни таклиф қилади ёки бундай хатарлар даражасини пасайтириш имкони бўлмаган тақдирда номзодни текшириш натижалари бўйича салбий хулоса беради.

Текширув натижалари бўйича коррупциявий хатарлар аниқланган ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этилган номзод ишга олинган

тақдирда ходимнинг раҳбари тавсия этилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини назорат қилиш учун жавобгар ҳисобланади.

- **Текширувни ҳужжатлаштириш ва ҳужжатларни сақлаш муддатлари**

Ишга жойлашаётган номзодни текшириш натижалари махфий ҳисобланади ва ишга жойлашаётган номзодни танлаб олиш ва текшириш жараёнида иштирок этмаётган Жамият ходимлари ва бошқа учинчи шахсларга ошкор этилмайди.

Лавозим мажбуриятларини амалга ошириш учун бундай маълумотлардан фойдаланиши зарур бўлган бошқа ходимлар Комплаенс хизмати ходимининг ёзма розилигини олиши лозим.

Номзод ишга жойлаштирилган тақдирда Текширув ўтказилгани ҳақидаги ҳисоботнинг асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддат ва тартибда ходимнинг шахсий йиғма жилдида сақланиши шарт.

2. "Autosanoat agro lizing" МЧЖнинг "Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти".

Ушбу мавзу бўйича семинар тренингни комплаенс хизмати бўйича бош мутахассис У.Султанбоев олиб борди. Семинар тренингда ушбу услубиёт бўйича қуйидагилар билан таништирилди.

Мазкур Услубиёт, "Autosanoat agro lizing" МЧЖнинг ички меъёрий ҳужжати ҳисобланиб, Жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган тартиб-таомиллар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби ҳамда стандартларини белгилайди.

Шуни қайд қилиш лозимки, **мониторинг** деганда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши самарадорлигини баҳолаш ҳамда Жамият фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш мақсадида **текшириш, назорат** деганда танқидий ўрганиш кўринишида амалга оширилиши мумкин бўлган коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатининг таҳлили тушунилади.

Коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларининг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Жамиятнинг Комплаенс хизмати томонидан амалга оширилади.

Мониторинг ва назоратнинг асосий мақсадлари:

Жамият фаолиятининг коррупцияга қарши қабул қилинган талабларга мувофиқлигини текшириш;

коррупцияга оид ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг етарлилиги ва коррупцияга қарши тадбиқ этилган тартиб-таомилларнинг самарадорлигини ошириш ва баҳолаш;

камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали Жамиятнинг коррупцияга қарши комплаенс тизимини такомиллаштириш;

Жамиятнинг коррупцияга қарши ички норматив ҳужжатлари ва тартиб-таомилларига риоя қилинишини таҳлил қилиш;

Жамият фаолиятида коррупция хавф-хатарлар индикаторларини аниқлаш;

манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таҳлил қилиш;

Жамиятнинг коррупция хавф-хатарларини камайтиришга қаратилган бошқа тартиб-таомилларининг бажарилмаганлигини аниқлаш;

Жамиятда аввалги ўтказилган мониторинг натижалари ва коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллари, хизмат текширувлари, ички аудит текширувлари, бошқа назорат чоралари ва улар доирасида тақдим этилган тавсияларга риоя қилиниши, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш режасида тасдиқланган бошқа тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;



Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

контрагент (бизнес ҳамкор/шартномавий шерик) – Жамият билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

коррупциявий харакатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупцияга қарши курашиш тизими – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Жамият ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва хулқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

релевант хабар – Жамиятдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотлар;

ходим – Жамият билан меҳнат муносабатларига киришган шахс.

Шунингдек, мониторинг ва назорат ўтказиш йўналишлари ва тадбирлари, ички локал коррупцияга қарши тизим мониторингини ўтказиш тартиби ва жамиятдаги

коррупцияга қарши тизимнинг назоратини амалга ошириш тадбирлари билан таништирилди.

Назорат тадбирлари якунида маълумотнома тузилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

Кириш қисмида:

Ҳар бир вазифа ва тартиб-таомиллар учун назоратнинг бошланиш ва тугалланиш саналари;

назорат ўтказилган вазифа ва тартиб-таомиллар рўйхати;

назорат ўтказилган вазифа ва тартиб-таомилларни бажаришга масъул бўлган бўлимлар ва шахслар рўйхати;

Ҳисоботни тузиш учун масъул ходимнинг ФИШ.

Тавсифловчи қисмида:

назорат ўтказилган ҳар бир вазифа ва тартиб-таомиллар бўйича танлов амалга оширилиши усули ва танлаш ҳажми;

Жамият коррупцияга қарши тизимининг аниқланган коидабузилишлари ва камчиликлари, шу жумладан, камчиликларнинг пайдо бўлиши ёки ривожланишига ҳисса қўшган сабаблар ва шароитлар.

Якуний қисмида:

назорат ўтказилган ҳар бир вазифа ва тартиб-таомилларда коррупция хатарларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилган нормалари, Жамиятнинг ички ҳужжатлари кўрсатилган асосий қоидабузарликлар;

назорат ўтказиш вақтида аниқланган қоидабузарлик ёки камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар;

Маълумотномага киритилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар, ҳаволалар ва кўчирмалар нусхалари(иложи бўлса) илова қилиниши керак.

Маълумотнома Жамият раҳбарига тақдим этилади ҳамда ўтказилган назорат тўғрисидаги маълумот Журналга киритилади.

3. "Хизмат текширувларини ўтказиш процедураси"

Ушбу мавзу бўйича семинар тренингни комплаенс хизмати бўйича бош мутахассис У.Султанбоев олиб борди ва қуйидагилар билан таништирилди.

Мазкур Процедура жамият томонидан хизмат текширувларини олиб бориши мумкин бўлган хабарларни баҳолаш учун фойдаланадиган жараёнларни, шунингдек, Ходимлар одоб-ахлоқ кодекси ва Бизнес ҳамкорларининг одоб-ахлоқ кодексининг, шунингдек, жамият сиёсати ва тартиблари тамойилларининг бузилиши муносабати билан хизмат текширувларини ўтказиш ва хизмат текшируви натижаларини кўриб чиқиш вазифаларини тавсифлайди.

Ушбу Процедурада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Амалдаги қонунчилик - Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш; жиноятчиликдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги; шунингдек АҚШнинг "Чет элда коррупцияга қарши курашиш тўғрисида" (FCPA), санкцияларни жорий этиш ва экспорт назорати тўғрисидаги қонунчилиги, Бизнес ҳамкорнинг рўйхатдан ўтган жойи ёки бўлиб турган мамлакатида амал қилувчи (юрисдикция чекловларидан қатъий назар) коррупцияга қарши қонунчилик, риоя қилиниши керак бўлган, шунингдек қўлланилса, улар билан чекланилмайдиган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Давлат хизматчиси - давлат идорасининг, шу жумладан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимият органлари, департамент, муассасалар, идоралар, давлат ёки давлат

бошқаруви остидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, давлат улуши бўлган корхоналар номидан иш юритадиган ҳар қандай мансабдор шахс ёки хизматчи;

халқаро ташкилот (масалан, Жаҳон банки ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти)нинг номидан ваколат берилган ҳар қандай мансабдор шахси;

сиёсий партия аъзоси ёки сиёсий лавозимга номзод;

ҳар қандай сиёсий таъсир кўрсатадиган шахс;

юқорида қайд этилган шахслардан бирининг яқин қариндошлари.

Сиёсий таъсир кўрсатадиган шахс - амалдаги ёки собиқ юқори лавозимли амалдор, шу жумладан:

маҳаллий давлат хокимияти ёки ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбари;

ҳукумат раҳбари, вазир (вазир ўринбосари);

парламент депутати ёки шунга ўхшаш қонун чиқарувчи орган аъзоси;

сиёсий партиянинг бошқарув органи (кенгаши) аъзоси;

Конституциявий суд, Олий суд судьяси ёки бошқа даражадаги суд органининг судьяси (суд органи аъзоси);

олий тафтиш (аудиторлик) ташкилоти кенгаши ёки бошқарув аъзоси;

Марказий банк кенгаши ёки бошқаруви аъзоси;

элчи (консул);

инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ёки бизнес омбудсман;

катта лавозимдаги ҳарбий офицер;

давлат улуши бўлган компания кенгаши ёки бошқаруви аъзоси;

халқаро ташкилот раҳбари.

Яқин қариндошлар - ота-она, турмуш ўртоғи, ака-ука, опа-сингил, фарзандлар, ҳамда турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси.

Бизнес ҳамкор – Компания билан шартномавий муносабатларига (меҳнат муносабатларидан ташқари) киришадиган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс (Бизнес ҳакморни контрагент, етказиб берувчи, дистрибьютор, дилер ёки Компания номидан ва унинг манфаатларини учун ҳаракат қилишга ваколатли бошқа учинчи шахсни мисол келтириши мумкин).

Ходимлар/Ходим – Бош директор ўринбосарлари, филиаллар бошлиқлари ва бошқа ишчилар.

Текширувларни бошқариш тизими (ТБТ) - Компания томонидан комплаенс сиёсати ва процедураларининг бузилиши бўйича хизмат текширувларини бошқариш учун фойдаланиладиган онлайн платформа бўлиб, унинг ёрдамида Комплаенс хизмати Компаниянинг турли "ишонч каналлари" орқали олинган барча хабарларни бирлаштиради.

Хизмат текшируви раҳбари - ТБТ томонидан текшириш гуруҳини тузиш ва хизмат текширувини олиб бориш учун тайинланган, ҳар бир текширилаётган Муаммо ва текширув тўлалигича ТБТда ёпилгунига қадар пухта таҳлил қилиниши учун жавобгар шахс.

Муаммо - ТБТга потенциал қоидабузарлик тўғрисида киритилган хабарнинг предмети.

Қисман исботланган - хизмат текшируви жараёнида олинган, текширилаётган Муаммонинг асосидаги даъволарнинг барчаси эмас, лекин баъзилари тасдиқланганидан далолат берадиган мавжуд маълумотлар.

Қоидабузарликларни бартараф этиш учун масъул бўлган шахс - 3-босқични якунлаш, шу жумладан, Компаниянинг ходимлар билан иш юритиш бош мутахассиси қабул қиладиган қарорга асос бўладиган тузатиш чоралари ҳамда Санкциялар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек, масъул шахсларни тайинлаш ва барча Санкцияларни амалга

оширишни ҳужжатда акс эттириш топширилган Комплаенс хизмати ходими. **3-босқичда** қоидабузарликларни бартараф этиш учун агар Хизмат текшируви раҳбари Комплаенс хизмати ходими бўлса, текширувга олдиндан раҳбарлик қилган Хизмат текшируви раҳбари масъул бўлиши мумкин.

Тузатиш чоралари - Компаниянинг текширилаётган Муаммоларга ўхшаш Муаммоларни аниқлаш ёки олдини олишга қаратилган сиёсат, процедура ва назорат чораларини, жумладан, етказиб берувчиларга нисбатан уларнинг Бизнес ҳамкорларининг одоб-ахлоқ кодексини бузганлиги сабабли кўриладиган чораларни такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатлар.

Қоидабузарлик тўғрисида хабар - ҳуқуқий нормалар, Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари ва Бизнес ҳамкорларнинг одоб-ахлоқ қоидалари, Компания сиёсати ёки процедураларининг потенциал бузилиши муносабати билан қуйидаги "ишонч каналлари"нинг бири орқали масъул шахсларга маълум қилинган хавотир ёки даъво:

– шахсан хабар бериш;

– тўғридан-тўғри ёки почта орқали Компанияга ёзма равишда юбориш;

– Компаниянинг расмий веб-сайтидаги боғланиш саҳифаси орқали;

– Комплаенс хизматига электрон почта орқали (E-mail:info@aaleasing.uz);

– Комплаенс хизматининг ишонч телефони (71-207-10-73; 71-207-10-75) орқали иш куни давомида.

Қоидабузарлик тўғрисида хабар берган шахс - Қоидабузарлик тўғрисида хабар юборган шахс.

Санкциялар - Ходимларнинг одоб-ахлоқ кодекси, Компания сиёсати ёки процуедураларининг бошқа тамойилларини бузганлиги сабабли ходимларга нисбатан интизомий ва бошқа таъсир чоралари.

Айбловлар исботланди - хизмат текшируви жараёнида олинган, хизмат текшируви асосида ётган барча айбловлар тасдиқланганлигини исботлаш учун етарли бўлган маълумот.

Ҳуқуқбузарликни содир этишда гумонланаётган шахс – хизмат текширувининг предметига айланган ҳаракатларни содир этишда гумон қилинган шахс.

Вазифалар - ТБТнинг Хизмат текшируви бошлиғига Ходимлар ўртасида маълум кунга қадар бажарилиши керак бўлган (масалан, хизмат текширувида иштирок этган шахслар билан суҳбатлашиш, текширув хулосасини тайёрлаш ёки тизимда Муаммони ёпиш) вазифаларни тақсимлаш имконини берадиган функционаллиги (мажбурияти).

Айбловлар исботланмади - хизмат текшируви давомида олинган қуйидагимаълумотлар:

хизмат текшируви асосида ётган айбловлар нотўғри ёки асоссиз эканлигини тасдиқлайди;

якуний хулосаларни чиқаришга имкон бермайди ва хизмат текширувига асос бўлган айбловларни тасдиқлаш имкони йўқ.

Ҳар бир хизмат текшируви қуйида тавсифланган босқичларни ўз ичига олиши керак ва ҳар бир босқичда муайян ишнинг талаблари ҳамда ҳолатлари нуқтаи назаридан тўлиқ мос келадиган ҳаракатлар бажарилиши керак. Ҳар бир хабар кенг кўламли хизмат текширувини талаб қилмайди, аммо:

– қоидабузалик тўғрисида ҳар бир қабул қилинган хабар кўриб чиқилиши ва ТБТ*(Текширувларни бошқариш тизими)*га киритилиши керак (**1-амал**);

– қоидабузарлик тўғрисида хабар берган шахс жавоб олиши керак (**2-амал**);

– қоидабузарлик тўғрисидаги хабар олдиндан баҳоланиши керак (**3-амал**), ва

– хизмат текшируви тегишли Санкциялар ёки Тузатиш чоралари тўғрисидаги маълумотларни қайд этиш билан якунланиши керак (**9 ва 10-амаллар**).



Қуйида ушбу Процедурада ҳар бир босқич доирасида кўзда тутилган ҳаракатларнинг батафсил амаллари келтирилган:

1-БОСҚИЧ

1-амал: Қоидабузарлик тўғрисидаги хабарни кўриб чиқиш ва Муаммо тўғрисидаги маълумотни ТБТга киритиш.

2-амал: Қоидабузарлик тўғрисида хабар берган шахсга дастлабки жавоб бериш.

3-амал: Дастлабки баҳолаш ва хизмат текшируви Раҳбарини тайинлаш.

2-БОСҚИЧ

4-амал: Хизмат текшируви режасини тайёрлаш ва хизмат текшируви гуруҳини тузиш.

5-амал: Хизмат текширувини ўтказиш.

6-амал: Аниқланган фактлар ва хулосаларни умумлаштириш.

3-БОСҚИЧ

7-амал: Хизмат текшируви ҳисоботи ва Санкциялар ва/ёки Тузатиш чоралари бўйича тавсияларни таҳлилини ўтказиш.

8-амал: Аниқланган фактлар ва тавсияларни Компаниянинг қарор қабул қилувчи раҳбариятига маълум қилиш.

9-амал: ТБТга Санкциялар ва/ёки тузатиш чоралари тўғрисида маълумотни киритиш ва манфаатдор шахсларни хабардор қилиш.

10-амал: Хизмат текширувини якунлаш.

Компания эҳтимолли қонунбузарликларни ушбу Процедурага мувофиқ текширади. Ушбу Процедурани бузган ҳар қандай ходим меҳнат муносабатларини бекор қилишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Комплаенс хизмати бўйича
бош мутахассис У.Султанбоев

Ходимлар ва иш юритиш
бўйича бош мутахассис С.Атаматова

Юридик бўлим бошлиғи Ш.Ражабов